

IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. Автомобиль транспортида 12,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2019 йил январь-июнъ ойларига нисбатан 0,1 млн. тоннага кўпдир. Юк айланмаси 238,6 млн.тн-км.га етди ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 млн.тн-кмга кам демақдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йил январь-июнъ ойларига нисбатан 105,8 % га кўпайди ва 160,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 28,6 % ни ташкил этди (2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 29,3 %).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 69,9 %ни ташкил этган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

| | 2020 йил январь-июнъ | 2019 йил январь-июнъ ойларига нисбатан, % да |
|-----------------------|---------------------------------|---|
| Ташилган юк, млн. тн. | 12,3 | 100,9 |

шу жумладан:

| | | |
|------------------------|------|-------|
| Автомобил транспортида | 12,3 | 100,9 |
|------------------------|------|-------|

Юк айланмаси, млн. тн-км.

238,6

98,5

шу жумладан:

| | | |
|------------------------|-------|------|
| Автомобил транспортида | 238,6 | 98,5 |
|------------------------|-------|------|

Йўловчи ташиш. 2020 йил январь-июнъ ойларида барча транспорт турлари томонидан 201,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 89,1 % га кўпайган.

Йирик корхоналар бўйича:

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 43 тани ташкил этиб, улар томонидан қуидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:


Ташилган юклар ҳажми 0,6 млн.тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,6 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 5,0 %);

Юк айланмаси ҳажми 9,8 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,6 %ни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 4,1 %);




Ташилган йўловчилар ҳажми 3,0 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 84,5 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 1,5 %);

Йўловчи айланмаси ҳажми 149,0 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,3 % ни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 3,8 %).



Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 91,3 % га кўпайиб, 3 943,8 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.



3 943.8
млн. йўловчи-км

91.3 %

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 91,8 % ни ташкил этган.



91.8%

**Кичик бизнеснинг
йўловчи ташишда
улуши**

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан 89,4 % га кўпайди ва 3 568,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 90,5 % ни ташкил этди. (2019 йил январь-июнь ойларида 92,3 %)